

МЕДИАЦИЯНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

МЕДИАЦИЯНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Яқинда "ARBITRAJ VA HUQUQ" газетасининг шу йил 18 март сонидан "Ўзбекистонда биринчи медиация хизмати" сарлавҳали мақолани ўқиб қолдим. Унда жамият ривожлана борган сари фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар билан бир қаторда, мулкчилик шаклидан қатъий назар мустақил хўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес ва тадбиркорлик вакиллари, тадбиркорлик билан шуғулланаётган барча шахслар ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни, улар ўртасида вужудга келадиган турли низоларни ривожланган мамлакатлар тажрибасида узок йиллардан бери қўлланилиб келинаётган усуллардан бири судга қадар ва суд жараёнида тарафларнинг ўзаро келиштираш йўли билан ҳал қилиш усули - медиация хизмати ҳақида сўз юритилган.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда, республикамиз тадбиркорлари ва ўрта бизнес эгалари, турли шаклдаги мулкчиликнинг ўзаро иқтисодий ҳуқуқий низоларини кам чиким ва қисқ вақт орасида мурося йўли билан ҳал этиш усули заруратга айланиб, тобора ҳаётимизга чуқур кириб келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

(Давоми 2-бетда)

Аммо, бир неча йиллардан бери медиация хизмати афзалликлари юзасидан кўплаб ҳалқаро конференцияларда долзарб маърузалар ўқилсада, уни Ўзбекистон шароитида ҳаётга татбиқ этиш масаласи қандай, қачон ва қайси идора томонидан амалга оширилиши жумбоқ бўлиб келгани ҳам рост.

Мақолада бу масалага жиддий ёндашган Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси республикада биринчи бўлиб шу йилнинг 23 февралда Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Бош қаруви қарори билан Ассоциациянинг Консалтинг бошқармаси хузурида биринчи марта Медиация хизматини ташкил этиб, медиация хизмати кўрсатиш қонунқоидалари ва тартиб-тамойиллари ишлаб чиқилгани айтилган.

Ўзбекистонда қалдирғоч — дастлабки медиация хизмати ташкил этилиши билан мамлакатимиз фуқаролари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг низолари судга қадар, аниқроғи, суддан ташқари ўзаро келишув, бoshқача айтганда, мурося йўли билан ҳал этилишига улкан имконият яратил-

ганлигини маъқуллаш билан бир қаторда буни табриклаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам керак.

Шундай қилиб, мақола муаллифлари медиация хизмати нима деган саволга жавоб сифатида МЕДИАЦИЯ - латинча mediatio сўзидан олинган бўлиб, бетарафлик, холислик асосида воситачининг иштироки ва қўмаклашуви билан тарафлар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ўзаро келиштираш, яраштириш ва муросяю мадора йўли билан ҳал қилиш демокдир дейишади.

Дарҳақиқат, бошқача айтганда, медиация жараёни мажбурий кучга эга бўлмаган, тарафларнинг ихтиёрийлигига асосланган, конфиденциал, яъни махфий ва ёпиқ жараён бўлиб, бу низолашаётган тарафларнинг ўз ихтиёрларига кўра танлаб олинган, бетараф ва холис учинчи шахснинг воситачилигида, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низоли шов-шувларсиз ўзаро муносабатларни сақлаб қолиш учун муросяю-мадора — ярашув йўли билан ҳуқуқий асос-

да ҳал этиш жараёнидир.

Холис учинчи шахс — медиатор аслида судья ҳам, арбитр ҳам эмас, балки у тарафларни муросяга келиштирувчи, холис ва бетараф шахсдир. Медиатор вужудга келган низо юзасидан ҳеч қандай мустақил қарор ёки мажбурий ҳужжат қабул қилмайди, балки у тарафларга низолининг ўзаро фойдали ечимини топишга ёрдам беради, холос. Медиация хизмати айнан шу жиҳати билан ҳакамлик судидан кескин фарқ қилади. Вужудга келган низо юзасидан эса асосий, бошқача айтганда, мувофиқлик шаклидаги ҳуқуқий қарорни тарафларнинг ўзлари қабул қиладилар.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси томонидан айнан ана шу муҳим масалага алоҳида аҳамият берилиб, Ўзбекистонда биринчи мартаба медиация хизмати кўрсатилиши йўлга қўйилгани, шу билан бир қаторда, медиация хизмати кўрсатиш қонун қоидалари, тартиб тамойиллари ва энг муҳими, Ассоциация раҳбарияти, етакчи мутахассислари 31-моддадан иборат "Медиация тўғрисида"ги

қонун лойиҳаси тайёрлангани ва бу лойиҳа манба сифатида истиқболда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал демократик партияси фракцияси ишчи гуруҳи ва тегишли вазирликлар томонидан ўрганиб чиқиш учун тақдим этилиши таҳсинга лойиқ. Мазкур лойиҳа жиддий муҳокамадан ўтиб қабул қилиниши келажақда Медиация усулининг юқори даражадаги самарадорлигини, уни қўллашнинг асосий тамойилларини ҳуқуқий жиҳатдан янада мустақамлашга, кичик бизнес ва тадбиркорлар ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга, қисқача қилиб айтганда, бу қонун мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшади, деб биламан.

Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро кўмитаси аъзоси